

ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА «ОҒИЗ», «ҚУЛОҚ», «БУРУН» ВА «ТИЛ» СЎЗЛАРИНИНГ ЎЗ ВА КЎЧМА МАЪНОЛАРИ

Мақсудова Юлдуз БухДУ 2-курс Лингвистика (инглиз)
мутахассислиги магистранти

Сўзларнинг кўчма маъноларда келиш ҳолатлари тилда кўп кузатилади. Яъни, бир предметнинг номи бошқа бир предметга ўхшашлик асосида кўчиши (метафора) ва янги маъно ҳосил қилишдир. Бу ҳолат асосан тана аъзолари (оёқ, тил, кўз, бош, бурун ва ҳоказо) да кўпроқ кузатилади. Дастлабки асосий маъноси жонлиларнинг органи бўлсада, асосий маънодан келиб чиққан кўчма маъноларнинг луғатда берилишини ҳам кўришимиз мумкин. Биз қулоқ деганимизда биринчи навбатда инсон ёки ҳайвоннинг органи онгимизда намоён бўлади, лекин «челакнинг қулоғи» ёки «уши колокола» дейилганда, «қулоқ» орган эмас, балки ўхшашлик асосида пайдо бўлган бирор предметнинг қайсидир, унга ўхшаш қисмини тасаввур қиламиз: «челакнинг дастаси», «қўнғироқнинг ип ўтказиладиган ёки осиб кўядиган қулоққа ўхшаш тешикли қисми». Албатта юкоридаги тушунчалар «қулоқ» лексемаси билан ифодалансада, улар орган бўла олмайди, лекин шакл ўхшашлиги жиҳатидан улар тана аъзосига боғлиқлиги кўринадиди.

Биз 3 тил тизими ҳар хил бўлган тиллардаги баъзи бир тана аъзоларининг лексик маъноларини қуйида келтириб ўтдик ва шуни кузатдикки, уларнинг асосий лексемага боғлиқ турли хил кизиқарли семалари мавжуд экан:

1) The part of a person or animal which is on the front of their head, usually just above their mouth, and is used for breathing and for smelling: *Some people have to hold their nose when they go under water.* Оғизнинг тепасида жойлашган нафас олиш ва ҳид билиш учун ишлатиладиган киши ёки ҳайвон юзининг олдидаги қисми: *бурун*

2) The front end of something such as an air plain, a rocket, or a gun: *The nose of the Space Shuttle was pointed straight up.* Самолёт, ракета ёки қурулнинг олдинги учи каби бирор бир нарса.

3) A very small distance: *My horse lost the race by a noseю* Жуда кичик масофа.

4) A natural skill or ability: *My travel agent has a nose for good deals. He always finds the cheapest airfares.* Туғма қобилият ёки маҳорат.

5) The sense of smell, especially in animals: *This dog has a great nose. She can smell drugs smuggled in any kind of container.* Ҳид билиш қобилияти, айниқса ҳайвонларда.

6) An inappropriate interest in other people's private affairs and concerns: *Keep your nose out of my business! If I wanted you to know where I'm going, I would tell you.* Бошқа кишиларнинг шахсий ишларига, муаммоларига нисбатан бўлган ўринсиз қизиқиш: кишиларнинг ишига бурнини тикмоқ

1) To smell: *The dog nosed the bag and started to bark .* Ҳидламоқ.

2) Move forward slowly with the front part first: *The ship nosed its way into the harbor.* Бирор бир нарсанинг олдинги қисми аста-секинлик билан биринчи ҳаракатланиши.

3) Push or move using the nose: *The dog nosed the ball across the room.* Бурун билан бирон бир нарсани итармоқ, ёки ҳаракатлантarmoқ. [37].

Бурун-

1) Ҳидлаш органи, ҳидлаш органинг ташқи қисми: *Қирра бурун;*

2) Жумрак. *Чойнакнинг бурни;*

3) Қулфнинг калит солинадиган тешиги:

Нури бугун Гулнорнинг уйини холи топиб, калити бурнида унутилган бир қулфни очди;

4) Кеманинг олд қисми, тумшуғи:

Темур Малик энг олдинда бораётган кемада эди, у икки қават совут ва пальто кийиб кема бурнига чиқди. [Ўзбек тилининг изоҳли луғати II томлик 1-2-том. - М., 1981].

Нос-

1) Орган обояние, находящийся на лице у человека и на морде у животных: *Горбатый нос;*

2) Передняя часть лодки, судна, самолёта и т. п.;

3) Клюв птицы;

4) То же, что носок. *Туфли с острым носом* [Ожегов, С. Словарь русского языка. М.: Русский язык, 1984];

Mouth

1) The part of a person or animal which is on the front of their head and is used for eating, and for speaking or making sounds: *Her mother told her to chew with her mouth closed.* Киши ёки ҳайвон юзининг олд қисмида жойлашган ва ейиш, гапириш ёки товуш чиқариш учун ишлатиладиган қисми: *оғиз*

2) The part of your face where your lips are located: *Your mouth is covered with chocolate!* Юзингизнинг ташқи лабларингиз жойлашган қисми

3) The part of a river or stream where it flows into a sea or a lake: *New Orleans is located near the mouth of the Mississippi River.* Дарё ёки оқар сувнинг, денгиз ёки кўлга оқиб тушадиган қисми.

4) A particular kind of speech or manner of speaking, often one which is rude, or disrespectful: *I don't want you playing with that boy. He has a bad mouth and I don't want you to start talking that way.* Кўпинча қўпол ёки беҳурмат бўлган аниқ, бир нутқ ёки гапириш йўли

5) An opening or entrance, for example of a cave, canyon or bottle: *The cowboys built a fire at the mouth of the cave, out of the rain.* Ғор, каньон ёки бутилка каби нарсаларнинг очик жойи ёки кириш қисми, *оғзи*

1) Move your lips, tongue and mouth as if you are saying something, but without making any sounds: *He was mouthing something to her, but I could understand what he was trying to say.* Товуш чиқармасдан лаб, тил ва оғизни худди бир нарса гапираётгандек қимирлатмоқ

2) Say things, usually without paying attention to, understanding, or believing what you are saying: *He can only mouth the opinions of his teachers. He*

doesn't really understand the issues discussed in the class. Бирор бир нарсани айтмоқ, одатда гапираётган гапингизга аҳамият бермасдан, тушунмасдан ёки ишонмасдан

3) Take or touch something with the mouth: *Our baby always mouths everything he picks up.* Бирор бир нарсага оғиз билан тегмоқ ёки оғзига солмоқ. [An English - Uzbek Dictionary of selected words with explanations in English and Uzbek. - Т., 2004].

Оғиз-

1) Икки жағ ўртасидаги, овқатланиш сўзлаш ёки овоз чиқариш учун хизмат қиладиган бўшлиқ: *Йулчи узумдан бир неча донани оғзига ташлади.* Ойбек, Қутлуғ Қон;

2) Икки лаб ва уларнинг бир-бирига тегиб турган жойи ва атрофи: *Оғзидан ўпмоқ;*

3) Кўчма. Сўзловчи, киши, одам: *Кўп оғиз бир бўлса, бир оғиз енгиледи.* Мақол;

4) Кўчма. Бировнинг қарамоғида бўлган одам; хўранда, нонхўр. *Баззоз поччанинг бекорчи оғизга тоби йўқ эди.* [М.Исмоилий. Фарғона тонг отгунча];

5) Милтиқ, тўппонча, миномёт, замбарак каби отиш қуролларининг ўк отилиб чиқадиган тешиги, стволи: *«Тўпнинг оғзига қуйиб отиб юборинглар мани, қонхўрлар!»* [Ойбек, Қутлуғ қон]

1) Ички бушлиги, ичи булган нарсаларнинг кириш-чиқиш учун хизмат қиладиган жойи, тешиги: *Уранинг оғзи, Горнинг оғзи;*

2) Кўчанинг, йўлнинг бошланиш, киравериш жойи: *Кўча оғзи* [Узбек тилининг изоҳли луғати II томлик 1-2-том. - М., 1981].

Рот-

1) Полость между верхней и нижней челюстями, имеющая отверстие в нижней части лица: *Полоскать рот;*

2) Очертание и разрез губ: *Рот до ушей* (очень большой, шутил);

3) У животных: то же, что пасть;

4) Перен. едок, иждивенец (прост): *Пять ртов кормлю. Лишней рот в семье* [Ожегов, С. Словарь русского языка. М.: Русский язык, 1984];

Tongue-

1) A part of a person or animal, which is in the mouth: *Most animals drink water with their tongue.* Киши ёки ҳайвоннинг оғзида жойлашган орган, тил

2) Speech: *The mother tongue*-Она тили;

3) A meal: *smoked tongue*-дудланган тил;

4) Something in the form of a tongue: *tongue of a flame, bell; tongue of a wind instrument, footwear.* Тилга ўхшаш предметлар

5) Pointer of a scales: тарозининг курсаткичи [An English - Uzbek Dictionary of selected words with explanations in English and Uzbek. - Т., 2004].

Тил-

1) Оғиз бушлигига жойлашган, там-маза билиш, кишиларда эса, бундан ташқари нутқ товушлари хосил қилиш учун хизмат қиладиган аъзо: *Иссиқдан итнинг тили осилган.*

2) Инсоннинг сўзлаш, гапириш қобилияти: гап, сўзлашув: *Хотиннинг бу гапи Бутабойнинг жон-жонидан ушиб кетди, лекин бундаги кучли мантиқ тилини боғлади-ю, ҳеч нарса деёлмади. [А.Қахқор, Қўшчинор].*

3) Фикр ифодалаш ва ўзаро алоқа қуроли бўлиб хизмат қиладиган товушлар, сўзлар ва грамматик воситалар системаси: *Инглиз тили, Рус тили, Ўзбек тили.*

Язык-

1) Подвижной мышечный орган в полости рта, являющийся органом вкуса, а у человека участвующий также в образовании звуков речи: *лизать языком.*

2) В колоколе: металлический стержень, производящий звон ударами о стенки;

3) Перен. чего или какой. О чём-нибудь, имеющем удлинённую, вытянутую форму. Языки пламени. *Язык волны [Ожегов, С. Словарь русского языка. М.: Русский язык, 1984];*

Ear-

1) The part of a person or animal which is connected to each side or the top of their head and is used for hearing: *My sister wants to get her ears pierced.* Эшитиш учун ишлатиладиган киши ёки ҳайвон бошининг иккита ёнига боғланган қисмлари, қулоқ

2) Have a special ability related to hearing, such as the ability to learn other languages or to produce good music: *I naturally have a good ear for foreign languages. An ear for music.* Эшитиш қобилиятига алоқадор тил ёки мусиқани ўрганишга бўлган махсус қобилият.

3) The willingness to listen or pay attention: *I have lent my ear to you and to your foolishness for long enough! Beginning now, I will shut my ears to your advice.* Эшитиш ёки аҳамият бериш хоҳиши.

4) The top part of a plant, such as wheat or corn, which contains the seeds that are harvested or eaten: *The ears of this wheat plant are ripe and ready for harvest.* Буғдой, маккажўхори каби ўриб - йиғиб олинадиган ёки истеъмол қилинадиган уруғли ўсимликнинг устки қисми.

Қулоқ-

1) Эшитиш органи ва унинг ташқи қисми: *Одамнинг қулоғи;*

2) Баъзи нарсаларнинг ушлаш, илиб қуйиш ёки маҳкамлаш учун хизмат қиладиган қисми. *Челакнинг қулоғи. Ёғоч каравотнинг қулоғи. Сигирнинг қулоғи;*

3) Бош кийимларнинг қулоқлари ва иякни ёпиб, иситиб туриш учун тушириб қуйиладиган узун қисми: *Телпакнинг қулоғи. Шапканинг қулоғи...;*

4) Баъзи механизм ва мусиқа асбобларининг бураб ишга тушириш ёки созлаш учун хизмат қиладиган қисми: *Дуторнинг қулоғи.*

5) Автомобиль, трактор каби машиналарни бошқариш учун хизмат қиладиган қурилмаси; руль: *Хушёрлик билан машина қулоғини бураб*

кетаётган ёш ҳайдовчи Козим, ўзининг ҳарбий ҳолатда эканини сезиб, ниҳоят ҳайратланган.

б) Ўсимликнинг барг ёки ниҳол ёзадиган жойи, дастлабки ниҳолга, баргга: *Уч юз гектарга ернинг ҳўзаси учинчи марта экилди. Аммо биз ҳам бўш келмадик; ҳўза қулоқ. кўрсатди дегунча парваришлаб, ягоналайвердик.* [Ўзбек тилининг изоҳли луҳати II томлик 1-2-том. - М., 1981].

Ухо-

1) орган слуха, а также наружная часть его в форме раковины: *Шум в ушах;*

2) перен; обычно ед. Способность воспринимать звуки: *Чуткое ухо у кого-н;*

3) у некоторых предметов: боковая часть, приспособление для подвешивания, подъёма. *Уши колокола;*

4) мн. У тёплой шапки-ушанки-боковые, опускающиеся вниз части.

Шапка сушами [[Ожегов, С. Словарь русского языка. М.: Русский язык, 1984];

Юқоридаги келтирилган «оғиз», «қулоқ;», «бурун» ва «тил» лексемаларининг асосий ва кейинги маъноларини кўриб чиқиш жараёнида, уларнинг деярли барчасида етакчи маъно билан умумийлик, боғлиқликни кузатамиз, мана шу умумийликнинг мавжудлиги полисемиядир. Бош кийимининг қулоқларни ва иякни ёпиб, иситиб туриш учун тушириб қўйиладиган узун қисми айнан қулоқларнинг жойлашувига мос келиши жиҳатидан қулоқ деб номланиши, ёки чойнакнинг суюқлик келадиган, чой қўйиладиган цисми бурунга шакл ўхшашлиги жиҳатидан шундай деб номланади.

Шунингдек, бир тилда мавжуд тана аъзосининг кўчма маъноси бошқа бир тилда айнан ўша лексема билан берилмаслигини кузатдик ёки аксинча. Масалан, «стол ёки стул оёғи» тушунчаси тил тизими ҳар хил бўлган тилларда ҳам «оёқ» лексемаси орқали ифодаланади. Лекин узбек тилида «милтик, тўппонча каби отиш қуролларининг ўк, отилиб чиқадиган тешиги» тушунчаси «оғиз» семаси орқали ифодалансада, инглиз ва рус тилларида бу сема орқали берилмайди: рот пистолета, mouth of a pistol деб айтиш хато ҳисобланади.

Яна шуни ҳам таъкидлаш жоизки, тана аъзоларига ўхшаш ҳар бир предметнинг қисми ҳам у орқали ифодаланмайди, яъни боғланмайди, биз бу ҳолатда тилнинг мавжуд қоидаларига бўйсунган ҳолда бундай сўзларни мос равишда нутқимизда ишлата оламиз.

Луғатда берилган баъзи бир маъноларнинг етакчи (бош) маънодан узоқлашганини, яъни ўхшашлик узилганини ҳам кўришимиз мумкин. Бу ҳолатда омонимлар юзага келади. Уларни полисемия билан адаштириш тўхри келмайди.

Полисемик сўзлар тилнинг луғат бойлигини оширади. Бунда битта лексема бир неча семемаларни ёки тушунчаларни ифодалаши мумкин. Масалан, инглиз тилидаги «отнинг бўйини ўлчайдиган бирлик», «соат кўрсаткичлари», «қўл меҳнати ёки жисмоний меҳнат билан шуғулланадиган

киши» каби тушунчалар «hand» лексемаси орқали берилади. Яъни, бу тушунчаларни аташ учун учта сўз эмас, балки битта сўз ишлатилади. Тилда пайдо бўладиган ҳар бир янги тушунчани янги сўз билан аташ, янги сўз кашф этиш осон эмас. Шу сабабли бундай ҳолатларда тилда тежаш ва маъно жиҳатдан яқин тушунчаларни бир сўз орқали ифодалаш қулай ҳисобланади.

Таржимада ҳам сўзнинг нафақат ўз маъносини, балким у ифодалайдиган бошқа, кўчма маъноларини ҳам билиш зарурдир. Бу эса таржимондан юксак билим ва маҳоратни талаб қилади. Таржимон таржима тилидаги сўзларни яхши ўзлаштирмаса, у кўплаб хатоларга йўл қўйиши мумкин ёки унинг таржимаси тингловчига тушунарсиз бўлиши мумкин. Масалан, «бош» сўзини олсак, унинг ўхшашлик жиҳатидан пайдо бўлган кўчма маъноси ҳисобланган «ўсимлик ёки сабзавотнинг бошга ўхшаш устки қисми» тушунчаси инглиз ҳамда ўзбек тилларида мавжуд: a head of cabbage, бир бош қарам. Лекин, рус тилида бу тушунча «бош» («голова») лексемаси орқали ифодаланмайди. Бунда таржимон инглиз ёки узбек тилидан рус тилига юқоридаги тушунчани «одна голова капусты» деб ишлатса, кўпол хатога йўл қўйган ҳисобланади ва бу ҳолат тингловчига ҳам тушунарсиз, ҳам кулгили бўлиб туюлиши мумкин. Бунда у рус тилида «бир бош қарам» «бош» сўзи орқали эмас, балки бошқа тушунча ёки сўз орқали («качан капусты») орқали ифодаланишини билиши шарт.